2009 йил 6 октябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 195 (11.506)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — УММОН:
## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди.**

Уммон Султонининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Уммон Султони Қобус бин Саид фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Қобус бин Саид Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи Ўзбекистон — Уммон алоқаларидаги тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрдир. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очади. Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали Уммон учун бутун минтақамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгаяди.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалигида катта тажриба орттирган. Нефть-газ, нефть кимёси, металлургия, қурилиш, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиб бормоқда. 2007 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, аммо мамлакатларимиз имкониятлари эришилган натижалардан анча кенг. 2008 йилнинг декабрь ойида қатор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Уммон Султонлигига ташриф буюриб, иқтисодиёт, савдо, саноат, меҳнат, транспорт ва коммуникациялар, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идораларида ҳамда Марказий банкда учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Уммон вакиллари алоҳида эътибор қаратган жиҳат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Расмий Масқат Ўзбекистон ғалласи ва мева-сабзавот маҳсулотлари импортини йўлга қўйиш таклифини илгари сурди. Шунингдек, Уммоннинг Давлат бош заҳира ва Сармоя жамғармалари билан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи асносида Уммон Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Уммоннинг ўттиздан ортиқ етакчи фирма ва компаниялари, қатор банклари вакиллари иштирок этди. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликка оид шартнома, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Масқат банки ҳамда Уммон араб банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

2009 йил март ойида эса Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон — Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланган эди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, буюк алломалар хоки қўним топган қадамжолари Уммон аҳлида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айни пайтда Уммонда ҳам кўплаб тарихий обидалар борки, улар Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун ўз мижозларига таклиф этадиган яхши ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ислом Каримов ва Қобус бин Саид музокаралари Ўзбекистон — Уммон муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очиш хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти устувор соҳаларининг тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Масқат шаҳридаги Султон Қобус масжиди ва Уммон Қуролли Кучлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг давлат ташрифи Уммон Султонлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунига етди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Масқат-Тошкент**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТОШКЕНТ 2200 2009



## ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбия топиши йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир.**

Бу борада Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ёшларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий-маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан баҳраманд бўлишлари учун зарур шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

**Тошкентда 29-30 сентябрь кунлари «Сиёсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва «Минтақавий мулоқот» нодавлат ташкилоти (Словения) томонидан ташкил этилди.

Форумда Беларусь, Буюк Британия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Украина, Чехия, Япония ва халқаро ташкилотлардан экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

*(Давоми 2-бетда).*


### ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ҚАДРЛИ ЁШЛАР!

**СИЗЛАРНИ 2009 ЙИЛ 7-8 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 9.00дан 16.00гача БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

Меҳнат ярмаркасида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг 15442 та бўш иш жойлари таклиф этилади.

Шунингдек, бевосита 180 дан ортиқ иш берувчи бўш иш ўринлари ҳамда кўргазмалари билан иштирок этади.

Ярмаркада қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант жойлари тавсия қилинади:
— шифокор ва ҳамшира — 483 та
— тикувчи, бичувчи, йигирувчи— 741 та
— иқтисодчи-ҳисобчи — 131 та
— муҳандис-механик — 344 та
— ўқитувчи-тарбиячи — 272 та
— чилангар-сантехник — 843 та
— ҳайдовчи — 788 та
— электр ишлари бўйича мутахассис — 285 та
— кранчи-машинист — 236 та
— электргазпайвандчи —197 та
— қурувчи (сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи, бетончи) — 580 та

**Ташкилий қўмита**


## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари иштирокида уюштирилган семинарда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омиллари ҳақида сўз борди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги болалар жарроҳлиги илмий марказига хориждан замонавий тиббий технологиялар келтирилди, россиялик жарроҳлар ҳамкорлигида бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ёшлар орасида жиноятчилик ҳолларининг олдини олишга бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, Собир Раҳимов туман прокуратураси, туман ИИБ вакиллари иштирок этишди.

✓ **СОБИР** Раҳимов политехника касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва тиббий кўникмалар ҳосил қилиш» деб номланди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2009 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 майда қабул қилинган «Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида танловнинг дастлабки босқичи ўтказилди.**

**● Наманган шаҳрида замонавий меъморчилик талаблари асосида қад ростлаган «Соф савдо» супермаркети фойдаланишга топширилди. Супермаркетда харидорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу ерда ўрнатилган терминаллар пластик карточкалар билан савдо қилиш имконини беради. Янги супермаркетнинг ишга тушиши 50 нафар ёшни иш билан таъминлаш имконини беради.**

**● Вобкент туманининг Хўжапорса қишлоғида агросаноат касб- ҳунар коллежи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 435 ўқувчи ўрнига эга бўлган ушбу масканда ёшларга 6 та йўналиш бўйича касб ўргатилади.**

**● Адлия вазирлиги ташаббуси билан бошланган «Ҳуқуқ билимдонлари» беллашувининг финал босқичи Самарқандда бўлиб ўтди. Беллашувда Наманган вилоятининг «Ёш сенаторлар» ҳамда Самарқанд вилоятининг «Фемида» гуруҳлари энг юқори кўрсаткичларга эришиб, кўрик-танлов ғолиби бўлишди.**

**● «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси тасарруфидаги «Урганч ёғ» очиқ акциядорлик жамияти цехлари модернизация қилиниб, керакли жиҳозлар билан таъминланиши учун 194,3 миллион сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Шунингдек, бу ерда ўсимлик ёғини гидрогенизациялаш тизимини ўрнатиш бўйича 890 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.**

**● Қаршида 2007-2010 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури»нинг ижроси юзасидан семинар-тренинг ўтказилди. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг республикамиздаги ваколатхонаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва халқ таълим бошқармаси билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим муассасалари ходимлари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Швецияда физиология ва тиббиёт соҳасидаги 2009 йилги Нобель мукофоти соҳибларининг номлари эълон қилинди. Австралия, Англия ва АҚШлик уч нафар олим шу соҳадаги йирик тадқиқотлари учун 10 миллион Швеция крони (бир миллион евро атрофида) ҳажмидаги мукофотни бўлиб оладилар.**

**● Афғонистонда жорий йил 20 августдаги президент сайловларида топширилган шубҳали бюллетенларни текшириш ишлари бошланди.**

**● Бутунжаҳон банки президенти Р.Зелликнинг таъкидлашича, жаҳон иқтисодиёти яна пасайиш жараёнини бошидан ўтказиши мумкин.**

**● Кеча Ингушетия Президенти Юнус-Бек Евкуров бош вазир Рашид Гайсанов бошчилигидаги республика ҳукуматини тўла тартибда истеъфога чиқарди. Ҳукуматнинг истеъфога чиқарилишига республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қониқарсиз фаолият сабаб бўлган.**

**● Ҳиндистонда муссон ёмғирлари натижасида юз берган сув тошқинлари туфайли 230 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди.**

**● КХДР давлати раҳбари Ким Чен Ир олти томонлама усулни ҳам кўзда тутгани ҳолда мамлакат ядро дастури бўйича музокараларни бошлашга розилик билдирди.**

**● Кеча Москвада нанотехнологиялар бўйича II халқаро форум бошланди.**

**● Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтган Халқаро Олимпия Қўмитаси йиғилишида Рио-де-Жанейро шаҳри Мадрид ва Чикаго шаҳарларини ортда қолдирган ҳолда 2016 йилги ёзги Олимпиада ўйинларининг мезбони деб эълон қилинди.**

**● Покистондаги БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури офисида террорчи-камикадзе томонидан бомба портлатилиши натижасида уч киши ҳалок бўлган, яна бир неча киши эса жароҳатланган. Мазкур террорчилик ҳаракатидан сўнг БМТ Покистондаги ўзининг барча ваколатхоналарини вақтинчалик ёпди.**

**● Польшада коммунизмни эслатувчи рамзлар, улар сурати туширилган футболкалар ёки бошқа анжомлар савдоси тақиқланди. Кимки бу қоидани бузса, жиноий жавобгарликка тортилади ва 2 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам республика Жиноят кодексига ўзгартириш ва тузатишлар киритилиб, сейм томонидан яқинда қайта қабул қилинди. Энди у кучга кириши учун Сенат маъқуллаши ва Президент имзолаши лозим.**

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Давра суҳбати иштирокчилари давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш орқали сайлов жараёнининг демократлигини таъминлашда қатор мамлакатлар тажрибасини муҳокама этди.

Хорижий экспертлар ўз чиқишларида истиқлол йилларида Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизими, профессионал асосда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилгани, демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловлар қонунчилик базаси, фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганини таъкидлади.

Бунда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мослиги алоҳида қайд этилди. Унинг рўёбга чиқарилиши ва янада ривожлантирилиши мамлакатимизда кўппартияли тизимни амалда мустаҳкамлаш, демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда партиялар ролини кучайтиришга таъсир кўрсатади.

**Йонсей университети профессори Сангту Ко (Жанубий Корея):** "Давра суҳбати давомида турли партиялар вакиллари ўртасидаги қизғин баҳсларнинг гувоҳи бўлдим. Бу - партиялар аъзоларининг қанчалик фаоллиги, уларнинг ўз сиёсий қарашларини нечоғлик аниқ белгилаши ва илгари суришидан далолат. Биз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар дастурлари хилма-хиллиги билан бир-биридан ажралиб туришини кўрдик. Зеро, демократиянинг талаби ҳам шундай".

**ЕХҲТнинг Грузиядаги миссиясининг инсон турмуш даражасини баҳолаш бўйича бошқармаси бошлиғи Инкери Аарнио-Лвоф**нинг сўзларига кўра, "Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисида қатор қонунларнинг қабул қилингани мамлакат тўғри йўлдан бораётганидан далолатдир. Ёш ва мустақил давлатингиз томонидан электоратнинг сиёсий маданиятини ошириш, аҳолининг сайлов кампанияси, сайлов қонунчилиги ҳақида хабардорлик даражасини юксалтиришда жамоат институтлари ролини кучайтиришга доир кўрилаётган чора-тадбирлар демократик ривожланишнинг муҳим таркибий қисмларидандир. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Бугунги давра суҳбати каби тадбирларнинг ўтказилиши ушбу йўналишдаги муҳим қадамдир ва у мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларни чуқур англаш имконини беради".

Хорижий экспертлар фикр алмашиш давомида одамларнинг сиёсий, ижтимоий ва фуқаролик онги, уларда ён-атрофида рўй бераётган воқеалар, мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаш учун жавобгарлик туйғусининг ошгани Ўзбекистонда бошланган сайлов кампаниясининг муҳим жиҳатларидандир, деган хулосага келди.

Хусусан, **ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель** шундай деди: "Бўлажак сайлов Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, фуқароларнинг мамлакатда давлат ва сиёсий жараёнларни бошқаришда иштирокини таъминлайди. Бу ниҳоятда муҳим, негаки Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар давом этмоқда, давлатни бошқариш тизими ўзгармоқда. Бундай шароитда фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар роли анча ортади".

**Миллий демократия институти вакили Кларк Плексико**нинг **(АҚШ)** таъкидлашича, "ҳар бир халқ ўз анъанасига эга ва унинг сиёсий тизими ҳам шундан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Ўзбек халқи бу масалани мамлакатни ривожлантириш бўйича ўзининг маданий анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этмоқда. Бундай жараённи Европа ва АҚШда ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, энг асосийси - сиёсий тизимдан қатъи назар, унинг барқарорлигини таъминлаш муҳим ва буни мамлакатингиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистонга келганимдан буён бу ерда сиёсий соҳада катта ўзгаришлар юз берганини қайд этишни истар эдим. Энг муҳими, мамлакатингизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Парламент ислоҳоти сиёсий тизимни ривожлантиришга кўмаклашди ва бу сайлов жараёнига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Ўзбекистон сиёсий тизимидаги ҳаётбахш ўзгаришлар АҚШ томонидан катта хайрихоҳлик билан кузатиб борилмоқда, биз Ўзбекистонни жамиятни янада демократлаштиришда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз".

**Ж.Неру номидаги университет профессори Ажай Кумар Патнаик**нинг **(Ҳиндистон)** таъкидлашича, "Ўзбекистонда сиёсий соҳада жадал ва ижобий ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Ҳаётнинг барча жабҳалари демократлаштирилмоқда. Бу туб ўзгаришлар аҳоли барча қатламларининг давлат бошқарувида иштирок этаётганидан далолатдир. Сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги анча ошганини ҳам таъкидлаш жоиз. Аҳолининг сайловга бўлган катта қизиқиши сайлов жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда".

Муҳокама давомида хорижий экспертлар Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва партиялар ўртасида соғлом рақобат ортиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Буларнинг барчаси демократияни ривожлантириш омилларидан саналади ва сиёсий партияларнинг электорат олдидаги масъулиятини оширади.

**Сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича эксперт Ян Дирк Блау (Голландия)** кўпчиликнинг бу ҳақдаги фикрини умумлаштириб, шундай деди: "Ўзбекистонда сиёсий жараён изчил ва маромида ривожланмоқда. Биз сиёсий партиялар ўртасидаги сиёсий рақобатнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Улар ўзларининг ижобий мақсадларини илгари сурмоқда, негаки ушбу мақсадларга эришиш ҳокимият учун ҳам, халқ учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Шунингдек, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат демократиянинг ягона мақсади эмас, деб ҳисоблайман. Дарҳақиқат, бундай рақобат дунёнинг кўпгина давлатларида мавжуд, аммо бу ҳар доим ҳам жамият фаровонлигининг кафолати ҳисобланмайди. Партиялар, авваламбор, ўз электоратига нисбатан самимий бўлиши лозим".

Хорижий экспертлар амалий мулоқот ва эркин фикр алмашиш руҳида ўтган муҳокама якунларини сарҳисоб қилар экан, Ўзбекистонда ташкил этилган сайлов тизими ҳақиқий демократик, очиқ, эркин ва транспарент сайловни ўтказиш учун мустаҳкам механизм сифатида хизмат қилишини таъкидлади. Сиёсий партияларга сайлов жараёни, давлат ҳокимиятининг қонунчилик ҳамда вакиллик органлари ишида ва умуман, жамиятни янада демократлаштириш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиши учун қонун томонидан мустаҳкамланган кенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар берилган.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Илгари хабар қилинганидек, жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказилиши муносабати билан мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланди. Айни кунларда жойларда ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик ишлари кетмоқда.**

Шаҳар сайлов комиссиясида

# САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Пойтахтда ҳам янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ташкил этилиб, ўз ваколатлари доирасидаги ишларни бажаришга киришди. Комиссия ўзининг биринчи йиғилишида амалдаги Кенгаш сессиясида тасдиқланган таркибидан комиссия раиси ўринбосари ва котибини сайлаб олди, шунингдек, шаҳар сайлов комиссиясининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

Мазкур режага асосан **КЕЧА** бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар сайлов комиссияси томонидан пойтахт маҳаллий Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан депутатлар сайловини ўтказиш учун вилоят Кенгашлари каби, хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига олтмиштадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда эса ўттизтадан кўп бўлмаган сайлов округи тузилади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ туманга бўйсунадиган шаҳарларда, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманларда халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузилмайди, депутатлар сайланмайди. Асосий Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳрида туман Кенгашлари шакллантирилмайди. Депутатлар фақат айни кунгача 60 та мандатдан иборат Тошкент шаҳар Кенгашига сайланади.

Маълумки, ваколатлари жорий йил декабрь ойида тугайдиган амалдаги учинчи чақириқ халқ депутатлари Кенгаши томонидан охирги сессияда сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунда белгиланган меъёрлар доирасида 60 та, ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар меъёри эса ўртача 22,5 минг сайловчи ҳисобидан белгиланди.

Қайд этилган қонуннинг 7 ва 11-моддаларига асосан шаҳар сайлов комиссияси ўз ваколатларидан келиб чиқиб, ушбу меъёрларни тасдиқлаб берди. Сайлов округларининг чегаралари шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланди.

Йиғилишда маҳаллий ҳамда бошқа манфаатдор оммавий ахборот воситаларига сайлов кампаниясига доир пойтахтда амалга оширилаётган жараёнлар хусусида тўлиқ ва аниқ маълумот олишда кўмаклашиш мақсадида шаҳар сайлов комиссияси қошида матбуот гуруҳини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек йиғилишда комиссия аъзолари ўртасида иш тақсимоти, навбатчиликни ташкил этиш, амалдаги қонунчиликка биноан фуқаролар, сайлов субъектларини қабул қилишга оид ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

Алоқа

# КАДРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

**Янги ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университетида телевидение технологиялари факультети ташкил топди.**

Бу билан кинотелеоператорлар ва аудиовидео технологияси ва компьютер графикаси каби ўнга яқин ихтисослик бўйича малакали кадрлар тайёрлаш имкони туғилди.

Худди шу йўналишлар бўйича махсус сиртқи бўлимда ҳам кўплаб талабалар қабул қилинди. Мазкур бўлимда кинотехникум ёки алоқа касб-ҳунар коллежининг радиотехника, телевидение факультетини битириб, соҳада камида уч йил фаолият кўрсатганлар таҳсил кўрадилар.

# РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕГА КЕНГ ЙЎЛ

**Тошкент телеминорасининг 220 метр баландлигида рақамли телевидение дастурини тарқатиш тизимининг тақдимот маросими ўтказилганига бир йил бўлди.**

Ўша кундан эътиборан тажрибавий ҳудудларга рақамли телевидение дастурлари эфирга узатила бошланди. Айни вақтда республикамизда рақамли телевидение тарқатиш йўриқномаси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат асосида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидение тарқатиш тажрибавий ҳудудларини яратишга киришилди. Кейинчалик барча вилоят марказларида бу иш давом эттирилиб, 2015 йилда мамлакатимиз бўйлаб тўлиқ рақам узатишга ўтилади.

# КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАРМОҚ

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали фаолияти кенг йўлга қўйилмоқда.**

Филиал абонентлари сони бугунги кунда 600 мингдан ошиб кетди.

Шаҳримизда телефон билан бирга мультимедиа хизматлари, маълумотлар узатиш тизими, юқори қаватли станциялараро оптик тармоқ ҳам хизмат қилмоқда. Бу инфратузилмадан фойдаланиш аҳолига намунали алоқа хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил ҳисобланади.

Тиббиёт

# ҚЎШМА ЛОЙИҲА

**«Соғлом она — соғлом бола» деб номланган қўшма лойиҳа ишлаб чиқилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси фаоллигида тайёрланган бу лойиҳа оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.**

Ушбу йўлланма бўйича она ва бола скрининг ва репродуктив саломатлик маркази тадбирлар режасини тайёрлашда босмага ҳозирланаётган ўқув қўлланма орқали ҳам мазкур лойиҳа жойларда кенг оммалаштирилди.

# САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**«Марказий Осиё мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш лойиҳасига амал қилина бошлаганига бир йилдан ошди.**

2016 йилгача қўлланиладиган бу лойиҳа бўйича республикамизда ҳам қатор тиббий тадбирлар кўрилди. Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган шифокорлар малакасини ошириш бўйича жойларда ўқув машғулотлари уюштирилди.

Ушбу лойиҳа ижросини таъминлашга бағишлаб Тошкентда ўтказилган анжуманда янги тавсиялар тақдим қилинди.

**Моҳибону ТОЖИЕВА**

# ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ



*(Давоми. Боши 1-бетда).*

В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейининг истеъдодли ўқувчилари мана бир неча йилдирки жаҳон саҳналарида ўз маҳоратларини намойиш этиб, ўзбек мусиқа санъатини дунёга танитиб келмоқдалар. Жумладан, яқинда Италиянинг Сан-Барталамео шаҳрида бўлиб ўтган ёш ижрочиларнинг халқаро танловида мазкур академик лицей ўқувчилари Асқар Салимжонов, Муҳриддин Сайфутдинов, Хуршид Ҳамидов ҳамда Алишер Ашírматовлар ҳам иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаб қайтишди. Мазкур танловда 54 та давлатдан ёш мусиқачилар қатнашиб, улар бир неча номинациялар, яъни торли асбоблар, зарбли чолғулар, арфа, гитара, вокал ва камер ансамбллари ҳамда фортепиано бўйича ўз санъатларини намойиш этдилар.

Халқаро танловда Украина, Хорватия, Франция, Италия ва Россиянинг машҳур мусиқачиларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари иштирокчилар орасидан ўзбекистонлик ёш истеъдодларнинг юксак ижролари ва маҳоратларини юқори баҳолаб, муносиб ўринларга лойиқ топдилар. Жумладан, танловда В. Успенский номидаги академик лицей ўқувчилари А.Салимжонов ва М.Сайфутдинов 1-ўринни, А.Ашírматов 2-ўринни, Х.Ҳамидов 3-ўринни эгаллаб, катта ютуқлар билан қайтишди. Ушбу ёш ижрочиларнинг самарали ютуқларни эгаллашида уларнинг устозлари Маъсуда Аҳмедова ҳамда Гулнора Сулаймоноваларнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Ёшларнинг санъатга бўлган меҳр-муҳаббатлари ва ҳавасларини янада орттириш, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаб, юзага чиқаришда устозларининг хизматлари беқиёс албатта.

Мазкур академик лицейнинг ўқувчилари бу каби халқаро танловларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаётганликлари ва ўзбек мусиқа санъатини жаҳонга танитишда муносиб ҳисса қўшаётганликлари барчамизни қувонтиради албатта. Зеро, санъатга ошуфта кўнгилларда ғубор бўлмайди. Санъат инсонни эзгулик сари етаклайди.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари — халқаро танлов ғолиблари.**

**Алексей Попов олган суратлар**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий қонунчилик тизими шаклланган. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган миллий институтлар тизими кенгайиб, иши тобора фаоллашмоқда.**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2008 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилгани бу йўналишдаги ишларнинг амалий самараларидандир. Ички ишлар идораларининг қуйи тизимида ҳам ушбу бошқарманинг бўлим ва бўлинмалари тузилгани фуқароларнинг мурожаатлари қонунда белгиланган муддатларда, тез ва самарали кўриб чиқилишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган ўқув семинарида шу ҳақда гап борди.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С.Нурматов бошқарган тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ички ишлар идоралари томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадбирларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик механизмининг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ички ишлар идораларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**



**Маҳаллангг — ота-онанг**

## ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари ва маҳалла тизимига бўлган эътиборнинг кучайиши унинг давлат ва жамият ҳаётидаги нуфузини орттириб, фаолият кўлами ва ваколатлари доирасининг тобора кенгайишига имкон яратмоқда.**

Жумладан, Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган «Маҳалла» хайрия жамғармаси зиммасига асосан қадриятларимизни эъзозлаш, тарғиб қилиш билан бир қаторда, маҳалла аҳолисининг маънавий-маърифий, моддий даражасини юксалтириш, осойишталикни таъминлаш каби қатор тадбирларни кенг йўлга қўйишда маҳаллаларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришда ёрдам бериш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.

Бугунги кунда жамғарманинг мавжуд 213 та бўлим ва бўлинмаларида 1184 нафар ходимлар республикамиздаги 10 мингдан ортиқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига юқорида қайд этилган вазифалар ижросида кўмаклашиб келишмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида «Олижаноб мақсадларга эришиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман. Бир вақтлар «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деган ибора бежиз пайдо бўлмаган», дея таъкидлаб, жамиятда маҳалланинг ўрни ва роли ортиб бораётганига алоҳида урғу берганлари ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирда маҳаллалар қошида турли йўналишлар бўйича ўндан зиёд комиссиялар жамоатчилик асосида фаолият олиб бормоқда. Хусусан, яраштириш, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш, тўй ва маросимларни ўтказиш, маънавият тарғибот ва тадбиркорликни ривожлантириш комиссиялари шулар жумласига киради.

Жамғарма томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарларда ҳам ай-

нан жамғарма зиммасидаги вазифалар ижроси борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсат, мавжуд қонунчилик асослари ва уларнинг ижросини таъминлашда тизим масъул ходимларининг масъулияти, бугунги кунда уларга қўйилаётган талаблар тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериш ва намунали иш тажрибалари билан ўртоқлашиш орқали қатор долзарб масалаларнинг ечимини топиш ҳамда қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, жамғарма тизими ишини такомиллаштириш, иш самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

— Маълумки, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва мақоми янада мустаҳкамланиб, маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази директори Рўзи Турсуналиев.

Яқинда бўлиб ўтган ўқув-семинарида иштирокчилар «Маҳалла» жамғармасининг Бухоро ва Сурхондарё вилоятлар бўлимлари иш тажрибалари, шунингдек, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) ҳамда Комилжон Ғафуров номидаги маҳалла фуқаролари йиғинлари фаолияти билан танишдилар.

Ўқув-семинари давомида тизим фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди ва улар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Дилдора ИСМОҒИЛОВА**




*— Ишларимиз режа асосида, пухта олиб борилмоқда, — дейди Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласи оқсоқоли Комилжон Қаюмов (чапдан биринчи) фаоллар билан суҳбатда.*

**Қарор ва ижро**

## САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом бола туғилиши, айниқса аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Шу маънода Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган тадбир ҳам давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора- тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижроси бўйича маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилди.

Ушбу тадбир Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилиб унда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раислари, ходимлар ва туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокорлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юқорида таъкидлаб ўтилган Президент Қарорларининг мазмун- моҳияти билан янада чуқурроқ таништиришар экан, бугунги кунда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмалари ва тумандаги барча оилавий шифохоналар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

— Айтиб ўтиш ўринлики, шаҳар «Маҳалла» жамғармасида бўлиб ўтган мавзулар доирасидаги тадбирлар,— дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Ҳайдарали Қораболаев. — Бектемир туманидаги «Роҳат», Яккасарой туманидаги «Тўқимачи», «Яккасарой», Юнусобод туманидаги «Боғишамол», «Туркистон», Шайхонтоҳур туманидаги «Тинчлик», «Гулобод» каби бир қатор маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда шунингдек, маҳалла оқсоқоллари ва тиббиёт ходимлари сўзга чиқиб мавзу доирасида ўз фикр- мулоҳазаларини билдирар эканлар ҳар бир маҳаллада бундай тадбирларни ўтказиш кутилган натижани беришига эътиборни қаратдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ушбу тавсия ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда кейинги иш режалари, амалга оширилиши керак бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олдилар.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**Соғлом она — соғлом бола**

## МУҲИМ ҚЎЛЛАНМАЛАР

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли, айниқса она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро соғлом оила — соғлом жамият демакдир. Шу боис юртимизда аввало аёллар ва оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етиши учун катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда.**

Айниқса, Президентимизнинг соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камолга етказишга қаратилган қатор Фармон ва Қарорлари, Давлат дастурлари бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, айни кунларда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг




репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижроси йўлида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ушбу Қарорлар ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда самарали ишларни олиб бормоқда. Қарор ижроси йўлида мазкур жамғарма томонидан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика скрининг маркази ва Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорликларида «Бўлажак оналарга тавсиялар», «Туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия», «Ирсий касалликлардан огоҳ бўлинг», «Бўлажак ота-оналарга маслаҳат» мавзуидаги буклетлар чоп этилди. Ушбу буклетларда «Она ва бола скрининги нима?», «Ҳомиладор оналарга тавсиялар», «Тиббий генетик маслаҳат»,«Туғма нуқсонларнинг олдини олиш», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Ёш келин-куёвларга маслаҳатлар», «Соғлом оилани шакллантириш»га доир маслаҳат ва тавсиялар баён этилган. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мутахассислар билан биргаликда ушбу буклетлардан фойдаланган ҳолда маҳаллаларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келишини аҳолининг кенг қатламларига тушунтириб, буклетларни тарқатиб келмоқда. Ўйлаймизки, ушбу буклетлар, уларда қайд этилган тавсия ва маслаҳатлар мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш келин-куёвлар, оналар учун муҳим қўлланма бўлади.

Зеро, мақсад, соғлом оилани шакллантириш, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлашдан иборат.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**Маҳалламиз тарихини ўрганамиз**

## «ЧОШТЕПА» ГА БИР КЕЛИНГ

**Тошкентнинг жанубий-ғарбий қисмида Сергели тумани бошланишидаги Салор канали кўпригидан ўтиб Собир Раҳимов станцияси бўйлаб юриб, чап томонда кўкка бўй чўзиб, виқор билан салобат тўкиб турган баланд Чоштепага кўзингиз тушади.**

Бу тепаликда қадимшунос академиклар Яҳё Ғуломов, Аҳмадали Асқаров, Галина Пугаченковалар раҳбарлигида археологик текширувлар амалга оширилган. Текширувлар натижаларига кўра Чоштепа Тошкент шаҳрининг дастлабки ўрнида қад кўтариб турипти. Атрофи чиройли панжара билан ўралган, ўртасига астрономик мезана ўрнатилган бу тепа ҳақида мен отамдан бир ҳикоят эшитганман. Асли чоштепалик, тарих халқ оғзаки ижоди, фольклорга жуда қизиқувчи отамнинг айтишларича, бу ерда икки ака-ука буғдой экиб, хирмон қилишипти. Улардан каттаси оилали бўлиб, бола-чақали, кичиги ҳали уйланмаган экан. Укаси акасига кўпроғини олишни таклиф этипти. Акаси: «сен кўпини ол, уйланишинг, тўй қилишинг керак», депти. Улар ҳосилни тенг иккига ажратиб, уйларига қопда таший бошлаган экан. Акаси уйига қоп орқалаб кетганида укаси «акам оилали, кўпчилик, ҳар ҳолда унга кўпроқ керак», — деб бир қопни акасининг хирмонига қўшипти. Укаси уйига ташиётганида акаси, укамга кўпроқ керак бўлиши керак, — деб бир қопни унинг хирмонига тўкипти. Улар бир-бирига билдирмай, ўзлариникидан бир қопдан бошқасиникига қўшаверипти. Бу иш давом этаверипти. Буғдой хирмони тугаш ўрнига камаймас эмиш. Кейин улар қопларни қолдириб кетишипти. Буни «бировнинг ҳақи» деб ҳеч ким олмапти. Охири у бир хирмон тепалик бўлиб қолган экан. Халқ уни Чоштепа деб атаган экан. Бу ҳикоят ана шу жойда яшаган аҳоли бир-бирига ҳимматли, саховатли, бировнинг ҳақини олмайдиган ҳалол одамлар бўлганлигини таърифласа ажаб эмас. Ана шу тепалик атрофида жойлашган қадимий ва ҳамиша навқирон маҳалла «Чоштепа» номи билан аталади.

Маҳалла оқсоқоли Тоҳиржон Арипов билан Чоштепага чиқиб, атрофга қараймиз. Ҳудуддаги дов-дарахт, хиёбонлар ажойиб латофат билан маҳалла ҳуснига ҳусн қўшиб турипти. Гўё бу ернинг гўзаллигини намойиш этиш учун бу тепа бунёд этилгандек.

— Республикамиз Президенти 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилгандан буён, ўша йил ҳамда ундан кейинги йиллар учун маҳалламизни ободонлаштиришнинг аниқ режасини тузганмиз ва уни амалга оширяпмиз, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Маҳалламизда Чоштепа, Ўзар ва Ғозтепа деган номда кўчалар бор. Ушбу кўчаларнинг тор кўча ва берк кўчалар билан 20 та кўча мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири учун аниқ ободонлаштириш режасини тузиб, амалга оширишга киришганмиз. Бу кўчалардаги барча уйларнинг олд томони таъмирдан чиқарилди.

Чоштепа кўчасининг узунлиги 3,5 километр бўлиб, икки тарафини қўшганда 7 километрлик бу қадимий кўчада ҳар куни тонг отгандан кечгача ҳаёт қайнайди. Чоштепаликлар ҳар йили эрта баҳордан ердан қор кетиши билан бу кўчадаги ариқ ва зовурларни тозалаб, уйларнинг деразаю дарвозалари ёнига анвойи гуллар экишади. Дарахтларнинг ортиқча шохларини қирқиб, шакл беришади. Деворларнинг бурчакларига райҳон, номозшомгул, чиннигул, гултожихўроз уруғларини сепиб, улар униб чиқиши билан бошқа жойларга тарқатишади. Маҳалла маркази яқинида «Шаҳробод» супермаркети — савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасининг салобатли биноси қурилиб, ишга туширилди.

Маҳалла ёшлари ҳудудни ободонлаштириш ва экологик маданиятни ошириш бўйича, «Ҳашар» ёшларга ярашар» деган шиор остида ташаббус билан чиқиб иш олиб боришади.

Уларга ҳамиша маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар, кўча бошилари, Илҳом Иброҳимов, Саидвали Ҳайдаров, Йўлдош Абдуразоқов, Рамзиддин Муҳиддинов, Салим Раҳимовлар бош-қош бўлишмоқда.

Маҳалла ҳудудини айланиб, «Чоштепа» фуқаролар йиғини идорасига келдик. Бу идора оталар чойхонаси билан туташган бинога жойлашган. Идора ҳовлисида мевали ва манзарали дарахтлар, ажойиб гуллар, чиройли ўриндиқлар, ариқларда шарқираб оқаётган зилол сувларга боқиб, ўзимизни истироҳат боғига келгандек ҳис қилдик.

Ўн битта миллат вакилларидан иборат, 5200 нафар аҳоли истиқомат қилаётган гўзал «Чоштепа» маҳалласининг ободлигидан намуна олса арзийди.

**Йўлдош МАНСУРОВ,**
**журналист**

## ҚАЙДА АҲИЛЛИК БЎЛСА...

**Меҳр ва мурувват кўрсатиш, хайр-эҳсон қилиш халқимизнинг қадимий ва муқаддас одатидир. Маҳаллаларда меҳр-оқибат, муҳтожларга баҳоли-қудрат моддий ва маънавий ёрдам бериш, кексага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш каби халқимиз эъзозлаган миллий қадриятларимиз мавжуд.**

Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги Сузукота маҳалласида ҳам кейинги пайтларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, яқинда кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан Чуқуркўприк, Сузукота, Чақар, Мирлар, Андижон ва Сузукота ҳудудлари, 39 та ҳовлининг ташқи деворлари сувалиб оқланди. Сузукота кўчасидаги 61-уй тартибга келтирилди. Майдонча гулзор қилиниб, арча экилди.

Ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбия ишларини такомиллаштириш бўйича маҳаллада Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Ф.Маъмуров ва иқтисодчи олим Қ.Дадабоев иштирокида жамоатчилик асосида маърифий тадбирлар ташкил этилиб, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари мунтазам ўтказилиб келинади.

«Тўй ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш» комиссияси томонидан белгиланган режа асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонини бажариш мақсадида Республика «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда тўйлар, таъзия, маъракалар ва бошқа миллий маросимлар замон талабларига жавоб берадиган тарзда ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказиб келинмоқда.

Бу борада мисол келтирадиган бўлсак, яраштириш комиссияси томонидан 2009 йилнинг 1-ярмида барча ишлар комиссия белгилаган режа асосида ва фуқаролардан тушган хат, аризаларга асосан олиб борилди. Катта ҳаёт тажрибасига эга нуроний отахон ва онахонлар ҳамда маҳаллада яшовчи олимлар, ҳуқуқшунослар иштирокида оилалар мустаҳакамлиги, мерос муаммолари, ака-ука, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабат, меҳр-оқибат борасида суҳбатлар ўтказилди. Сузукота кўчаси, 34-уйда яшовчи фуқаро Тамира Еникованинг, Чироқчи берк кўчаси 3-а уйда яшовчи Асатулла Фозиловнинг, 77-уйда яшовчи Шавкат Ғафуровнинг уйлари таъмирлаб берилди ва муаммоли масалалар ҳал қилинди.

Жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққанлар билан ишлаш, ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ҳам белгиланган режа асосида Шайхонтоҳур тумани ИИБ профилактика нозирлари ҳамкорлигида «Огоҳлик масъулияти» мавзусида бир қатор маърифий тадбирлар ўтказилди.

Маҳалламизда 3690 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, — дейди маҳалла котиби Абдурашид Абдуллаев, — уларнинг тинчлиги, осойишталигини сақлашга эътибор қаратган ҳолда жазони ўтаб чиққанларни ишга жойлаштириш ва уларни ижтимоий мослаштириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Уларга маҳалла фаоллари бириктириб қўйилган. Маҳалла ҳудудида посбонлар сардори ва профилактика нозирлари ҳамкорлигида паспорт тартиби, бино, иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаган болалар билан ишлаш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда.

— Шунингдек, болалар спорти ва соғломлаштириш бўйича олиб борилган ишлар натижаси сифатида маҳалладаги 7 нафар ўсмир каратэ, 3 та ўсмир таэквандо, 13 та ўсмир сув спорти, 3 нафари гимнастика билан шуғулланади, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Зулфия Асатуллаева. — Улар эришган ютуқларни намойиш этувчи суратли стенд тайёрлаш ишлари айни кунларда давом этмоқда. Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса фарзандларимиз ақлли-ҳушли, тарбияли, ахлоқли бўлиб вояга етсин.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

## ТЕАТР ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида Республика Ёш томошабинлар театри ходимлари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент давлат техника университети ҳамда шаҳарча ҳудудидаги ўрта-махсус таълим муассасалари талаба-ўқувчилари иштирок этди.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Абдулазизова, Озода Абдулбоқиева, Венера Софиянова ва бошқалар ташриф буюришди.

— Талабаларнинг санъатга бўлган қизиқишини кўриб қувондим, — дейди актриса Озода Абдулбоқиева. – Театр кишиларга маънавий озуқа беради, ёшларнинг баркамол бўлиб етишишларида айнан санъатнинг ўрни беқиёс.

Сўзга чиққанлар, ҳозирги кунда Ўзбекистонда театр санъатининг ривожланиб бораётгани, янги истеъдодлар кашф этилаётгани ва ёшларнинг театрга бўлган муносабатлари хусусида тўхталиб, театрнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида фикр билдирди.

Учрашув очиқ мулоқот тарзида ўтди. Учрашув давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**"Туркистон-пресс"**

# ЎЗБЕКИСТОН ТОКИО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

**Токиодаги йирик «Токио Биг Сайт» кўргазмалар мажмуида Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси томонидан ташкил этилган анъанавий «World Travel Fair» халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Унда дунёнинг 150 та давлатидан, жумладан Ўзбекистондан сайёҳлик идоралари, агентликлар, авиакомпаниялар вакиллари, меҳмонхона бизнеси ва хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари қатнашди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Япониядаги ваколатхонаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамда бир қатор мамлакатимиз сайёҳлик компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг экспозицияси алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Кўргазма меҳмонлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистоннинг диққатга сазовор туристик жойлари билан батафсил танишишди. Халқ амалий санъати буюмлари, турли қуруқ мевалар, ахборот материаллари кўргазма меҳмонларига ўзбек халқининг қадимий тарихи, бой маданияти, меҳмондўстлик фазилатларини яқиндан ҳис этиш имконини берди.

Ҳозирги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий компанияси томонидан кун чиқар мамлакатнинг "Норита" ва "Консой" халқаро аэропортларига ҳафтада икки марта амалга оширилаётган авиарейсларнинг мавжудлиги Ўзбекистонга япон сайёҳларини жалб этишга сезиларли даражада кўмаклашмоқда.

Кўргазма доирасида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқоннинг тарихий обидалари ҳақида видеотасвирлар ҳамда Тошкент шаҳри меҳмонларида катта қизиқиш уйғотган пойтахтнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган махсус видеофильмлар намойиш этилди.

Икки бор Ўзбекистонга келишга муяссар бўлган "Токио-ТВ" телекомпанияси ходими Жумпей Йокотанинг сўзига кўра, мамлакатимизга қилган саёҳати унда чексиз таассурот қолдирган ва яна бир бор ушбу ажойиб ўлкага келиш истагини уйғотган. Жумпей Йокота географик жойлашуви ҳамда тарихининг қадимийлиги туфайли Ўзбекистон бетакрор руҳият ва колоритга эга бўлган турли маданиятларнинг ҳақиқий хазинаси ҳисобланишини таъкидлади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонга дунёнинг турли қитъаларидаги жаҳон меъморчилигининг ҳозирга қадар ақлни шоширадиган ноёб асарларидан саналмиш буюк аждодларимиз ва меъморларимизнинг ижодлари намуналарини ўз кўзлари билан кўришни истовчи минглаб сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.

Ж.Йокотанинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Япониянинг меҳнатсеварлик ва меҳмондўстлик каби фазилатлар ўз ифодасини топган менталитетларнинг ўхшашлиги бирлаштириб туради. Унинг фикрига кўра, ушбу тадбир японларнинг Ўзбекистонга "Шарқнинг дурдонаси" ва "Буюк Ипак йўли воҳаси" сифатидаги қизиқишлари янада ошишининг асосий омилларидан бири бўлади.

"Чуохоки Паблишерс" компанияси ходими **Такако Фунада** хонимнинг айтишича, унда 2001 йилда Ўзбекистонга уюштирган илк саёҳати чоғида ўзбек халқининг қизиқарли ва бой маданиятига айрича бир майл уйғонган ва Ўзбекистонга бўлган самимий туйғулари ифодаси сифатида Японияда ўзбек тилини мустақил ўрганишни бошлаган. Т.Фунада хоним Ўзбекистонга яқинда яна бир бор келиш ва қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ташкил қилинган ёрқин рангларга бурканган мусиқа байрами катта таассурот қолдирганини қайд этди.

Япониянинг "Эй-Жи-Ти" сайёҳлик компанияси ходими **Акане Масаока хоним** Ўзбекистонга сўнгги — жорий йилнинг июль ойида уюштирган сафари чоғида мамлакатимизда деярли барча жабҳаларда, жумладан туристик соҳада ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. "Мени айниқса Тошкентнинг 2200 йиллиги арафасида шаҳарнинг ҳар бир бурчагида ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг олиб борилаётгани ҳамда улкан байрам тантаналарига тайёргарликнинг бориши қойил қолдирди", дейди А.Масаока.

**"Жаҳон" АА, Токио**

---

**Бугун мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тақдир тақозоси билан имконияти чекланган болажонларнинг иқтидорлари, қобилиятини юзага чиқариш таълим-тарбия тизимининг ажралмас қисмини ташкил этади.**

Тадбирлар

# САХОВАТ — ДИЛ ПАЙВАНДИ

Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ўтказилган "Саховат — дил пайванди" номли кеча айни шу жиҳати билан эътиборлидир. Тадбирнинг мазмунли ўтишида Тошкент шаҳар "Камолот" ЁИҲ, Юнусобод туман давлат солиқ инспекцияси, савдо департаменти, "Биллур сув" масъулияти чекланган жамияти ўзаро ҳамкорлик қилишди.

— Бугун имконияти чекланган иқтидорли ўқувчиларимизни дастурхон атрофига таклиф этдик, — дейди Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори Нуриддин Муҳиддинов биз билан суҳбатда. — Мақсадимиз руҳан шикаста иқтидор эгаларининг қалбига илиқлик олиб киришдан иборатдир.

Кечани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори ўринбосари Дилором Тўхтахўжаева кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг марказнинг тўгарак раҳбари Ҳамида Ҳамидова, "Биллур сув" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилмурод Каримов, "Масжид-ул хайр" жоме масжиди имом-хатиби Тоҳир қори Қовидовлар сўзга чиқишиб, мамлакатимиздаги таълим-тарбия тизимининг ўзига хос афзалликлари, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Илмий манбаларда ҳар бир инсоннинг қандай жисмоний имкониятларга эга бўлишидан қатъи назар ўзига хос олам эканлигига урғу берилади, — дейди тадбир иштирокчиси Зафар Султонов. — Шу маънода бизга яратиб берилаётган имкониятлардан ғоят мамнунлигимизни изҳор этмоқчиман. Ҳозирда кулолчилик тўгарагига фаол иштирок этмоқдаман. Бу борадаги билим ва кўникмаларимни янада такомиллаштирмоқчиман.

Файзли даврадаги самимий суҳбат, дилрабо куй-қўшиқлар, Ватанни мадҳ этувчи наволар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

---

Кўргазмалар

# ҚИШЛОҒИМ ГУЛЛАРИ СИЗГА, АЗИЗЛАР

**Тошкент Фотосуратлар уйида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Рўзихон Жалилованинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган шахсий кўргазмаси «Қишлоғим гуллари сизга, азизлар» деб номланди.**



Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан таниқли рассомлар, санъатшунослар умидли ёш рассом Рўзихон Жалилованинг ижодига юқори баҳо бериб, унинг серқирра ва ранг-баранг мавзудаги асарларининг ўзига хослиги, бетакрорлигини таъкидлашди. Кўргазмада рассомнинг 30 га яқин турли жанрдаги композиция асарлари намойиш этилмоқда.

Ёшлигидан рассомчиликка ихлоси баланд бўлган Рўзихон аввалига П.Беньков номидаги Республика билим юртида, сўнг Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг «Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш» факультетида таҳсил олди. Билим ва тажрибасини оширган Рўзихон ҳозирги кунда ижод қилиш билан бирга Фарғона давлат университетида талабаларга тасвирий санъатдан сабоқ бермоқда. Рассом ўзининг ушбу кўргазмасини «Қишлоғим гуллари сизга, азизлар» дея бежиз номламаган. Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида туғилиб ўсган Рўзихон ўз ижодида гўзал ўзбек қизларини гулларга қиёслайди, турли хил замонавий абстракт халқ амалий санъати нақш бадиий безакларидан, табиатдан илҳомланади. Унинг «Наврўз», «Баҳор» каби асарлари фикримизнинг яққол далилидир. Жумладан, Ўзбекистондаги гўзал меъморчилик ансамблларини, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Фарғона водийсининг мафтункор табиатини моҳирона тасвирлайди. Шоҳимардон тоғларидан завқланиб ишлаган суратларида манзарани идрок этувчи томошабиннинг турли кўринишдаги ҳолати ўта жонли ифодаланган.

Ўзбекистоннинг ранг-баранг гуллари, она табиатимиз қўйнида пишиб етилган меваларнинг бутун бир тароват Рўзихон Жалилованинг натюрморт жанри соҳасида яратган асарларида ўзига хос намоён бўлади. Мусаввирнинг натюрмортлари композиция жиҳатдан ғоят вазмин, нафис ва ёрқин, миллий ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ижодкор гул,- мева, сабзавотларни тасвирлашга кўпроқ мойил бўлсада, унинг натюрмортларини асосан миллий-маиший турмуш буюмлари ва халқ санъати асарлари ташкил этади. «Куз натюрморти», «Анорлар», «Миллий тақинчоқлар», «Дастурхон», «Манзарали натюрморт» каби асарлари томошабин руҳиятини бойитади, маънавиятини юксалтиради, бадиий дидини ривожлантиради, она юрт саховатидан фахрланиш туйғусини оширади.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, умидли мусаввир 2000 йилда керамика, кулолчилик санъати соҳасидаги ижодини рангтасвир билан бирга олиб бориб, «Автопортрет», «Сурхондарёлик қизлар» каби ҳар томонлама пухта асарлар яратди. Кулолчилик соҳасидаги амалий ва назарий изланишлар унинг ижодига ўз таъсирини кўрсатиб, бир қатор мазмунли, мукаммал асарлар ярата бошлади. 2003-2004 йилларда яратган «Аёл қалби», «Ёй ва афсона», «Наврўз автопортрети», «Автопортрет ва атиргуллар» каби асарлари томошабинни эстетик ва фалсафий мушоҳадага чорлайди. Уларда аёлларимизнинг гулдай нозик қалб эгаси эканлиги яққол сезилиб туради.



**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Рўзихон Жалилованинг шахсий кўргазмасидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

---

# ЎҚУВ МАШҚЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

**Саломатликни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Шу боис, саломатлик — туман бойлик, дея бежиз айтилмайди. Инсонга ато этилган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, бунинг учун тозаликка риоя қилиш баробарида юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун профилактик тадбирларнинг олиб борилиши ўзининг ижобий самарасини бермасдан қолмайди.**

Шу боис, аҳоли орасида кенг тарқалиши эҳтимоли бўлган эпидемиологик, эпизоотик ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш ва унинг зарарли оқибатларини зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларига қаратилган кўргазмали махсус-тактик ўқув машқлари мунтазам ўтказиб турилибди.

Тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария ва эпидемиология ҳамда ветеринария хизматлари ходимлари ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари томонидан янги A/H1N1 гриппи ҳамда ўта юқумли ҳисобланган Қрим-Конго геморрагик иситмаси касалликларини бошқа давлатлардан республикамиз ҳудудига келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги тадбирларни янада такомиллаштириш, республика ва чет эл фуқароларини давлат чегарасини кесиб ўтиш вақтида тиббий санитар кузатувни тўғри ташкил этиш борасидаги назарий ва амалий кўникмаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Тошкент шаҳар ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2009 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида мавжуд чегара ҳудудлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти», Санитария назорат бўлими ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК «Тошкент темирйўлйўловчи» станциясининг санитария назорат пунктида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи бажарилишини таъминлаш, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Тошкент темирйўлйўловчи» станцияси санитария назорат пунктида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти» санитар назорат бўлимида ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги 1-сонли юқумли касалликлар шифохонасида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Мазкур кўргазмали махсус-тактик ўқув машқлари III босқичда олиб борилди. Дастлабки босқичда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли «Тошкент темирйўлйўловчи» станциясининг санитария назорат пунктида Қрим-Конго геморрагик иситмаси вирусининг трансчегара ҳудудлардан Тошкент шаҳри ҳудудига кириб келишининг олдини олиш борасидаги амалга оширилаётган профилактик, эпидемияга қарши чора-тадбирларни Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Тошкент темирйўлйўловчи» станциясининг санитария назорат пункти, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари ҳамда тегишли корхона, ташкилот, муассаса ва тегишли Фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилди.

Бу ерда фаолият олиб бораётган Санитария ва эпидемиология ҳамда ветеринария хизматлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ходимлари кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи давомида барча тадбир иштирокчилари кўз ўнгида ўзларининг ҳаракатларини яна бир бор маҳорат синовидан ўтказдилар. Махсус ҳимоя кийимларини кийган халоскорлар беморларга ташхис қўйишди ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, яқин атрофдаги юқумли касалликлар шифохонасига зудлик билан олиб боришди. Йўловчилар ташишга мўлжалланган вагонлар бирма-бир кўздан кечирилиб, дизенфекция қилинди.

Машқнинг дастлабки қисми поёнига етгач, тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари навбатдаги босқич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти» санитар назорат бўлими ходимлари томонидан «Ўлат касаллигининг чегара ҳудудлардан ҳаво кемалари орқали Тошкент шаҳри ҳудудига кириб келишининг олдини олиш ва профилактик, эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси "Тошкент" халқаро аэропорти санитар назорат бўлими ва тиббиёт ходимларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш» мақсадида Тошкент халқаро аэропортига йўл олдилар.

Бу ерда ҳам юқоридаги машқларга ўхшаш тадбирлар ўтказилиб, ҳар бир иштирокчи ўзига бириктилган вазифани сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилди. Энг муҳими, машқ жараёнида аниқ ва эпчил ҳаракатлар қилиши ҳамда дизенфекция мосламаларидан унумли фойдаланиши тадбир қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Ниҳоят, сўнгги босқич — Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги 1-сонли юқумли касалликлар шифохонасида «Қрим-Конго геморрагик иситмаси касаллиги гумон қилинган беморларни қабул қилиш тартиби ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишда тиббиёт ходимларнинг ҳаракатлари» мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди. Беморлар даволаниши учун барча шароитлар яратилган, дори-дармонлар заҳираси етарли бўлган шифо масканида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг машқ жараёнидаги ҳаракатларига муносиб баҳо берилди.

**Азамат СУЮНОВ**

---

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

**Бу жаҳонда неча бир мушкулга**
**ўзни шайладим,**
**Тадбирин топгач, ўшал**
**мушкулни осон айладим.**

* * *

**Эйки дунё деб югурган,**
**сийму зар этган талаб,**
**Даҳр аро бир бурда нон етмасми**
**сенга, ўйлаким,**
**Мол йиғиб, давлат йиғиб,**
**дунёда ўлмай қолди ким?**

* * *

**Бу дунёда тайин манзилда**
**тутсин нафсини инсон —**
**Ки, берсанг, боз истар, бермасанг,**
**айлар итоатлар.**

* * *

**Агар бошингга тушса бир**
**мусибат тоши, сабр айла,**
**Шикоят этма кўп, фарёд**
**чекиб, ўртанма, қил тоқат.**

* * *

**Агар оз сўзласанг, дўстим,**
**на хушдир,**
**Вале кўп сўзламоқ – кони фалокат.**

* * *

**Киши янглишмагай гар бўлса хомуш,**
**Вале кўп сўзлаганга кўп азият.**

* * *

**Аё нотиқ, сўзинг гарчи кумушдир,**
**Сукутинг дурру ёқутдир, аломат.**

* * *

**Карамли неча марҳумлар замон**
**ичра тирикдирлар,**
**Карамсиз неча нодонлар ҳаёт**
**ичра ўликдирлар.**

* * *

**Тўғри кўнгил кимсаларга**
**тўғридирман, мустақим,**
**Эгри кўнгилларга лекин**
**эгриман, раҳм этмагум.**

* * *

**Жаҳлни хушламасман ҳеч, магар**
**ул хислатим эрмас,**
**Вале гоҳи зарурат чоғида ул**
**эҳтиёжимдир.**

* * *

**Деса бир кимсаким, жаҳл ичра**
**бир кўрқинч қабоҳат бор,**
**Вале хорлик, мазаллат**
**унданам кўрқинч қабоҳатдир.**

* * *

**Яхшиларга дўсту ҳамдам бўлки,**
**топгайсен нажот,**
**Гар ёмонларга яқинлашсанг,**
**бўлур бахтинг қаро.**

* * *

**Айлама ҳазлу ҳузул, эрса**
**зарофатдин йироқ,**
**Улки жоҳил, ниш уриб, кўксингни**
**этгайдир яро.**

* * *

**Сен ширин сўз бўл, қопиб**
**сўзлашни одат этмагил,**
**Йўқса, ҳайвон не тафовутдир**
**сенга, эй норасо?**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

---

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бош ҳисобчиси Сайёрахон Азизовна Амановага отаси

**Азиз САТТАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2811 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 906

Топширилган вақти: 13.45